

509 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: حَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ أَوْ لَيْلَةٍ، فَإِذَا هُوَ بِأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، فَقَالَ: «مَا أَخْرَجَكُمَا مِنْ بُيُوتِكُمَا هَذِهِ السَّاعَةَ؟» قَالَا: الْجُوعُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «وَأَنَا، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ؛ لِأَخْرَجَنِي الَّذِي أَخْرَجَكُمَا، فُومُوا»، فَقَامُوا مَعَهُ، فَأَتَى رَجُلًا مِنَ الْأَنْصَارِ، فَإِذَا هُوَ لَيْسَ فِي بَيْتِهِ، فَلَمَّا رَأَتْهُ الْمَرْأَةُ قَالَتْ: مَرْحَبًا وَأَهْلًا. فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيْنَ فُلَانٌ؟» قَالَتْ: دَهَبَ يَسْتَعْدِبُ لَنَا الْمَاءَ، إِذْ جَاءَ الْأَنْصَارِيُّ، فَظَرَّ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَصَاحِبَيْهِ، ثُمَّ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ، مَا أَحَدُ الْيَوْمِ أَكْرَمَ أَضْيَافًا مِثِّي. فَاَنْطَلَقَ فَجَاءَهُمْ بِعِدْقٍ فِيهِ بُسْرٌ وَتَمْرٌ وَرُطْبٌ، فَقَالَ: كُلُوا، وَأَخَذَ الْمُدِيَّةَ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِيَّاكَ وَالْحُلُوبَ» فَذَبَحَ لَهُمْ، فَأَكَلُوا مِنَ الشَّاةِ وَمِنْ ذَلِكَ الْعِدْقِ وَشَرِبُوا، فَلَمَّا أَنْ شَبِعُوا وَرَوُّوا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ؛ لَتَسْأَلَنَّ عَنْ هَذَا النَّعِيمِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، أَخْرَجَكُمُ الْجُوعُ، ثُمَّ لَمْ تَرْجِعُوا حَتَّى أَصَابَكُمْ هَذَا النَّعِيمُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2038].

قَوْلُهَا: «يَسْتَعْدِبُ» أَي: يَطْلُبُ الْمَاءَ الْعَذْبَ، وَهُوَ الطَّيِّبُ. وَ«الْعِدْقُ» بِكَسْرِ الْعَيْنِ وَإِسْكَانِ الدَّالِ الْمُعْجَمَةِ، وَهُوَ الْكِبَاسَةُ: وَهِيَ الْعُصْنُ، وَ«الْمُدِيَّةُ» بِضَمِّ الْمِيمِ وَكَسْرِهَا: هِيَ السِّكِّينُ، وَ«الْحُلُوبُ» ذَاتُ اللَّيْنِ.

وَالسُّؤَالُ عَنْ هَذَا النَّعِيمِ سُؤَالُ تَعْدِيدِ النَّعَمِ، لَا سُؤَالُ تَوْبِيخٍ وَتَعْدِيدِ، وَاللَّهُ أَعْلَمُ، وَهَذَا الْأَنْصَارِيُّ

509. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир куни [ёки бир кеча] чиқиб, қарасалар, Абу Бакр билан Умар ўтиришган экан. У зот: **«Шу пайтда уйингиздан чиқишга нима мажбур қилди?»** дедилар. «Очлик, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди. У зот: **«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мени ҳам чиқишга сизларни мажбур қилган нарса мажбур қилди. Туринглар!»** дедилар. Улар у зот билан бирга туришди. У зот ансорлардан бир кишиникига борган эдилар, у уйида эмас экан. Унинг аёли у зотни кўриб, «Марҳабо! Хуш келибсиз!» деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга: **«Фалончи қани?»** дедилар. У: «Бизга тотли сув олиб келгани кетди», деди. Шу пайт ансорий келиб қолди-да, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни ва у зотнинг икки саҳобасини кўриб, «Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Бугун мендан кўра баобрў меҳмони бор одам йўқ!» деди. У тез бориб, ғўра, қуриган ва янги хурмоли шода келтирди-да: «Мана шундан энглар», деди. У (қўй сўйиш учун қўлига) пичоқни олган эди, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга: **«Совлиқни сўйиб қўйма»**, дедилар. У уларга (қўй) сўйди. Қўйдан ҳам, ўша шодадан ҳам ейишди, ичишди. Улар тўйиб, чанқоқлари қонгач, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Абу Бакр ва Умарга: **«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, қиёмат куни бу неъмат ҳақида албатта сўраласиз. Сизларни уйларингиздан очлик чиқарган эди, сўнг мана шу неъматга эришиб қайтдингиз»**, дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Бу ерда неъматлардан сўроқ қилиниши танбеҳ ва азоблаш учун бўлган сўроқ эмас, балки, неъматларни сонини билиш бўлган сўроқдир. Валлоху аълам!

Меҳмон қилган ансорийнинг исми Абул Ҳайсам ибн Таййихон розияллоху анхудир. Имом Термизий ва бошқаларнинг ривоятидаги келганига биноат келтирилди.

Шарҳ: Меҳмонга зиёфат бериш макоримул ахлоқ, Иброҳим алайҳиссалом ва барча анбиёланинг суннатлари, Исломда тарғиб қилинган ва иймонинг содиқлиги аломатидир.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин», дедилар». (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар).

Меҳмоннинг иззат-икромини жойига қўйишда мусулмонларга тенг кела оладиган миллат йўқлигига дўст ҳам, душман ҳам тан беради. Мусулмонларнинг бу фазилатлари тилларда дoston бўлиб кетган. Ислом адабиётига кўз ташласак, бу ҳақиқатни яна ҳам равшанроқ англаб етамиз. Бу нарсаларнинг ҳаммасига динимиз таълимотлари, ушбу ўрганадиган ҳадиси шарифларимизга ўхшаш кўплаб ҳадислар сабаб бўлган.

Саҳобалар меҳмон келса қувонишар эди. Албатта, меҳмонларнинг ризқи ҳам ўзлари билан бирга келади. Зеро Аллоҳ таоло шундай деган: «Қандай хайр-эҳсон қилманг, албатта Аллоҳ ўрнини тўлдирур. У энг яхши ризқ берувчидир» (Сабаъ сураси, 39-оят).

Сахий бўлинг, бахил бўлманг. Сахий бўлсангиз, албатта берган нарсаларингиз ўрнини Аллоҳ тўлдирур.

Уйингизга меҳмон келса, хусусан улар солиҳ кишилар бўлса, нечоғлик хурсанд бўлиш кераклиги хусусида ушбу ҳадис далолат қилмоқда.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI